



**“ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ
ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ
БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР, АМАЛИЙ
МЕХАНИЗМЛАР ВА САМАРАДОРЛИК”**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 308-гуруҳ курсанти
Элмуратов Оғабек Нодир ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор
Ниматов Шерзод Ниматжонович

Аннотация

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларни олдидини олишда маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, механизмлари ва аҳамиятини таҳлил қилади. Мақолада профилактика инспекторларининг мақоми, вазифалари ва уларнинг ички ишлар органлари тизимидаги ўрни кўриб чиқилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари — ахборот алмашиш, профилактик тадбирлар, ижтимоий назорат ва ёрдам, “маҳалла еттилиги” тизимидаги ўзаро муносабатлар батафсил таҳлил қилинади. Мақола янги ислохотлар, жумладан, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили ва электрон ахборот алмашиш тизимининг ҳамкорлик самарадорлигини оширишдаги ролини баҳолайди. Хулоса қилиб, ушбу ҳамкорликнинг маҳаллаларда ижтимоий барқарорликни таъминлаш,



жиноятчиликни камайтириш ва аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишдаги муҳим аҳамияти таъкидланади. Мақола давлат сиёсатининг устувор йўналишлари билан боғлиқ бўлиб, профилактика ишларининг тизимли ва комплекс олиб борилиши учун амалий таклифлар беради.

Калит сўзлар

профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳамкорлик, маҳалла еттилиги, ижтимоий профилактика, ахборот алмашиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ички ишлар органлари, маъмурий жавобгарлик.

Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва маҳаллаларда хавфсиз, барқарор муҳитни таъминлаш бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69–70-моддаларида фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти белгиланган бўлиб, маҳалла институти жамият ва давлат ўртасидаги энг яқин бўғин сифатида алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра, профилактика инспекторлари ички ишлар органлари тизимининг асосий қуйи бўғини ҳисобланади. Улар жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда марказий рол ўйнайди. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан ҳамкорлик профилактика инспекторлари фаолиятининг муҳим қисми бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда комплекс ёндашувни таъминлайди. Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олидини олишда маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, механизмлари ва аҳамияти таҳлил қилинади. Хусусан, Ўзбекистон



Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари — ахборот алмашиш, профилактик тадбирлар, ижтимоий назорат ва ёрдам, “маҳалла еттилиги” тизимидаги ўзаро муносабатлар кўриб чиқилади. Мақоланинг мақсади — ушбу ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш ва маҳаллаларда ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги ролини баҳолашдан иборат. Мақола қуйидаги қисмлардан ташкил топган: профилактика инспекторларининг мақоми ва вазифалари, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, амалий механизмлари, янги ислохотларнинг таъсири ҳамда хулоса. Шу орқали профилактика инспектори ва маҳалла раиси ўртасидаги ҳамкорликнинг жамиятдаги аҳамияти янада чуқурроқ тушунилади. Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва маҳаллаларда хавфсиз, барқарор муҳитни таъминлаш бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69–70-моддаларида фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти белгиланган бўлиб, маҳалла институти жамият ва давлат ўртасидаги энг яқин бўғин сифатида алоҳида ўрин тутади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев “Жиноят содир бўлганидан кейин эмас, унга олиб келадиган омилларни илгаридан аниқлаш — бугунги юртимиз хавфсизлик сиёсатининг асосий йўналишидир. “Маҳалла – давлатнинг асосий пойдевори. Агар маҳалла обод бўлса, демак, мамлакат ҳам обод бўлади. Зотан, давр шиддатли. Қайси оилада можаро бўлмайди? Қайси давлатда қийинчиликлар бўлмайди? Биз ўз режаларимизни сабр билан,



фанга, меҳнатга ва амалий ишларга таянган ҳолда амалга оширамиз.”¹
деб билдирган фикрлари ҳам профилактика инспекторлари фаолиятини маҳалла билан электрон ахборот алмашиш, коллектив қарор қабул қилиш ва ижтимоий дастурлар орқали мустаҳкамлашда ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра, профилактика инспекторлари ички ишлар органлари тизимининг асосий қуйи бўғини ҳисобланади. Улар жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда марказий рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун²да Профилактика инспекторларининг мақоми белгиланган бўлиб, қонунга кўра профилактика инспекторлари таянч пунктларда хизмат қилади – 15-моддага кўра, ички ишлар органларининг таянч пунктлари таркибида ишлайди. Улар расмий тасдиқланади – улар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори билан лавозимга тасдиқланади. Ҳисобот бериш мажбурияти сифатида улар белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этадилар. Профилактика инспекторлари ички ишлар ходими мақомига эга – 28-моддага кўра, уларга махсус унвон берилади, хизмат гувоҳномаси ва жетон топширилади. Шу билан улар ички ишлар органи ходими сифатида бутун республика ҳудудида хизмат мажбуриятларини бажаришга мажбур.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари таркибида профилактика инспекторлари вазифалари – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш, содир этган шахсларни ушлаш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, ҳодиса жойини қўриқлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Қонуннинг 11-моддасида Ички ишлар органларининг бошқа

¹ <https://www.uzdaily.uz/en/shavkat-mirziyoyev-mahalla-the-fundamental-foundation-of-the-state/?utm>

² <https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE=14.03.2024>



органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлигида аниқ белгиланганидек, ички ишлар органлари ўз вазифаларини бажаришда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (яъни маҳалла раиси ва маҳалла фуқаролар йиғини) ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлайди. Профилактика инспектори ички ишлар органи ходими сифатида маҳалла раиси билан ҳамкорликда ишлайди. Унинг вазифаси — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашда маҳалла билан биргаликда ҳаракат қилиш. Инспектор маҳалладан келаётган маълумотлар асосида ҳуқуқбузарликка мойил шахслар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ёшлар ҳақида маълумот олади. 11-моддага кўра профилактика инспектори ва маҳалла раиси ўртасидаги ҳамкорлик қуйидагиларни қамраб олади:

-Ахборот алмашишида

Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги мавжуд материаллар инспектор ва маҳалла раиси ўртасида алмашилади. Бу ахборот электрон шаклда ҳам юритилиши мумкин.

-Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда

Маҳалла раиси профилактика инспекторини ҳудуддаги муаммолар ҳақида хабардор қилади. Инспектор маҳалла билан биргаликда профилактик суҳбатлар ташкил этади.

-Ижтимоий назорат ва ёрдам

Маҳалла раиси ва инспектор ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳулқини назорат қилади. Жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган шахслар бўйича биргаликда чоралар кўради. Умумий олинганда 11-модда профилактика инспектори ва маҳалла раиси ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий асосда мустаҳкамлайди.



Маҳалла – аҳолининг ижтимоий муаммоларини жойида ҳал этиш, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъминлаш ва давлат идоралари билан мулоқотни ташкил этувчи муҳим фуқаролик институтидир. Мамлакатимизда маҳалла тизимини такомиллаштириш, айниқса фуқароларнинг муаммоларини биринчи бўғинда ҳал этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президентининг ПФ–209-сон фармони³ ҳамда маҳаллаларни қўллаб-қувватлашнинг янги бошқарув тизимини жорий этган тартиботлар натижасида “маҳалла еттилиги” амалиёти шакллантирилди. Ушбу тузилма маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори каби масъулларнинг ягона мақсад — аҳоли фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида бирлашган ҳолда иш олиб боришини таъминлайди. Айниқса, профилактика инспектори фаолиятини маҳалла еттилиги ва маҳалла раиси билан ҳамкорликда мувофиқлаштириш жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим механизм сифатида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

2024 йил 30 ноябрда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 801-сон қарори “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ижтимоий профилактика тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиб, профилактика инспекторининг маҳалла ва маҳалла раиси билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди. Идоралар ўртасида ягона электрон маълумот алмашиш тизимининг жорий этилиши, “ижтимоий дафтарлар”нинг коллегиял тартибда юритилиши, жиноятларга мойил шахсларни аниқлаш ва улар билан индивидуал ишлаш механизмларининг такомиллаштирилиши соҳада самарадорликни оширмоқда. Қуйида 801-сонли қарор билан тасдиқланган низом асосида

³ <https://lex.uz/docs/6705763>



маҳалла раисининг вазифалари ва мажбуриятларини қисман таҳлил қилиш мумкин:

-Ижтимоий профилактика тадбирларини уюштириш йўналишида: - Бунда маҳаллада ҳуқуқбузарлик эҳтимоли юқори бўлган шахсларга (ижтимоий муаммолари бор шахсларга) профила-ктика тадбирларини ташкил қилиш. Ушбу тадбирларда маҳалла раиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва бошқа мансабдор шахслар ҳамкорлик қилади. Шу билан бирга, давлат ва жамоат ташкилотлари (масалан, ички ишлар, солиқ органлари ва ҳ.к.) билан ҳамкорлик механизми ўрнатиш.

-Ижтимоий мослаштириш дастурини шакллантириш ва яқунлаида маҳалла раиси профилактика инспектори билан биргаликда ижтимоий мослаштириш дастурини тузиш. Агар тадбирларда қатнашган шахс ўз соҳадан чиқса (масалан, ўз ҳудудини тарк этса, вафот этса ва ҳ.к.), мослаштириш дастурининг яқунланиши тўғрисида қўшма хулоса тайёрлаш.

-Назорат ва ҳисобот бериш. Маҳалла раиси туман (шаҳар) даражасида жорий профилактика тадбирларини назорат қилиш масъулиятига эга. Ахборот тизими (масалан, “Е-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими) орқали тадбирларнинг натижалари ва ҳолатини мониторинг қилиш. Ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини ҳар йил якунида текшириш.

-Ҳамкорликни йўлга қўйишда маҳалла раиси давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиш лозим: ички ишлар, камбағалликни қисқартириш ва бандлик, солиқ инспекциялари ва бошқа тузилмалар билан. Маҳалла “еттилиги” тузилмасига раҳбарлик қилиш: маҳалла раиси “еттилик” аъзолари билан бирга маҳаллада жамоатчилик, профилактика ва ижтимоий хизматлар соҳасида ташкилотча ишлаб чиқаришда иштирок этади.



Ўзбекистонда кечаётган янги давр ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири — жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишга қаратилган маҳалла институтини тубдан такомиллаштиришдир. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Маҳалла — биз учун фақат маъмурий тузилма эмас, балки одамларни бирлаштириб турадиган, муаммоларни биринчи бўлиб кўрадиган ва уларни ҳал қилишда асосий кучга айланаётган бекиёс институтдир.” Шунингдек, профилактика инспекторлари фаолияти маҳалла раиси билан ҳамкорликда, электрон ахборот алмашиш ва коллегиял қарорлар орқали мустаҳкамланиши ҳам долзарб аҳамият касб этади.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун⁴ ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда профилактика инспекторининг ваколатлари, маҳалла ва маҳалла раиси билан ўзаро ҳамкорлик усуллари аниқ белгилаб берилган бўлиб, бу профилактика ишларининг тизимли, манзилли ва комплекс олиб борилишига ҳуқуқий асос яратади. Маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлашда, ижтимоий хавфли шахслар билан ишлашда, маъмурий ишлар юзасидан ахборот тақдим этишдаги иштироки профилактика инспектори фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, профилактика инспекторининг маҳалла еттилиги ходимлари ва маҳалла раиси билан ҳамкорлигини такомиллаштириш — маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, жиноятчиликни камайтириш ва аҳоли муаммоларини самарали ҳал этишнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Президент Ш.Мирзиёев ўз нутқларида бир неча бор шунга урғу берганки, “Ҳар бир оила, ҳар бир маҳалланинг дарди ва муаммосига бефарқ бўлмаслик — бугунги кунда давлат идоралари фаолиятининг асосий мезони бўлиши шарт.” Шунинг учун ҳам маҳалла тизими аҳолининг кундалик турмушида энг таъсирчан, ечимга йўналтирилган

⁴ <https://lex.uz/uz/docs/2387357>



тузилма сифатида қайта ташкил этилмоқда.Профилактика инспектори ва маҳалла раиси ҳамкорлиги мазмуни қуйидагича амалга оширилади: Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда — маҳалла раиси билан ҳамкорликда маиший зўравонлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий ҳолатларни аниқлаш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, низоларни бартараф этиш. “Хавфсиз маҳалла” тизимини йўлга қўйишда — видеокузатув қурилмаларини ўрнатиш ва назорат қилиш, аҳоли билан ҳамкорлик, кўчалар ва уйларда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш. Ёшлар билан ишлашда — маҳалла раиси ва ёшлар етакчиси билан биргаликда оғир аҳволдаги ёшлар, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан манзилли иш олиб бориш, маданий ва маърифий тадбирлар ташкил этиш.Хотин-қизлар билан ишлашда — хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорликда оилалардаги муаммоларни аниқлаш, маиший зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, аёлларни қўллаб-қувватлаш дастурларига йўналтириш.

Ижтимоий дафтарлар билан ишлашда — “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” орқали аҳолининг ҳолатини ўрганиш, ёрдам ва бандлик масалаларида маҳалла раиси билан ҳамкорлик. Жамоат тартибини таъминлашда — байрамлар, оммавий тадбирлар ва кундалик жамоат хавфсизлигини маҳалла раиси билан ҳамкорликда таъминлаш. Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспектори маҳалла еттилиги ва маҳалла раиси билан ҳамкорликда ишлаш — маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим механизмдир. Ушбу тизим ваколатлар, электрон маълумот алмашиш ва ижтимоий дастурлар орқали самарали фаолият юритишни таъминлайди ва давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида аҳамият касб этади.



Ўзбекистон Республикасининг МЖТКнинг 248-модда 2-қисми 4-бандига кўра⁵, профилактика катта инспектори ва инспекторлари қуйидаги моддалар бўйича маъмурий ишларни кўриб чиқишга ваколатли ва моддалар рўйхати: 47-модда (1-қисми), 54-модда, 56¹-модда, 110-модда (1-қисми — фуқароларга нисбатан), 111-модда (1-қисми), 113-модда (1, 2, 4, 5-қисмлар), 114-модда, 122-модда, 161-модда (фуқароларга нисбатан), 187-модда (1-қисми), 188-модда, 188²-модда, 192-модда, 221-модда, 223-модда (1-қисми), 223¹-модда, 223³-модда. Кодекснинг 248-модда 4-қисмига кўра, профилактика инспекторлари қуйидаги моддалар бўйича баённома тузишга ҳақли бўлиб, профилактика инспектори баённома тузиши мумкин бўлган моддалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: 47-модда, 56¹-модда, 63-модда, 72-модда (ер ости сувларига оид қисми мустасно), 79-модда ва бошқалар.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

-ҳудудда юзага келаётган муаммолар ҳақида профилактика инспекторини хабардор қилади;

-ҳуқуқбузарлик содир этиши эҳтимоли юқори бўлган шахслар тўғрисида маълумот беради;

-ҳуқуқбузарликка мойил оилалар, ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни рўйхатга олишда иштирок этади. Ушбу 47, 110, 111, 113, 122, 123, 127, 128⁶, 161, 187, 221, 223, 224-моддалар бўйича ишларни кўриб чиқишда жуда муҳим. Профилактика инспектори:

-маҳалла раиси профилактика комиссияси йиғилишларида иштирок этади;

-ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисоби ва мониторингини маҳалла раиси билан биргаликда юритади;

-оилалар, қаровсиз ёшлар, ичкиликбозликка мойил шахслар бўйича мунтазам профилактика ишларини олиб боради. Бу 113, 114, 188, 188², 192-

⁵ <https://www.lex.uz/acts/97664>



моддалардаги тартиббузарликлар бўйича муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек 248-модда тўртинчи қисмида кўрсатилган моддаларда (63, 72, 79, 88, 90, 91, 101-моддалар ва бошқалар) баённома тузишда маҳалла раиси қуйидаги ёрдамларни беради:

-ҳуқуқбузарлик содир этилган жой маълумотини тақдим этади;

-маҳалла раиси ҳудудидаги экологик муаммолар, чиқинди ташлаш, сувдан нонақонуний фойдаланиш каби ҳолатларни профилактика инспекторига маълум қилади;

-ҳуқуқбузарлик ҳақидаги шикоятларни қабул қилади ва инспекторга етказди ва бу билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштиришда ҳамкорлик қилади.

-Маҳалла раиси қуйидагиларни таъминлайди:

-маъмурий жарима, огоҳлантириш ёки бошқа таъсир чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳулқини назорат қилиш;

-такроран ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфини баҳолаш;

-инспектор билан ҳамкорликда профилактик суҳбатлар ташкил этиш;

-маҳалла раиси комиссиялари орқали ижтимоий ёрдам бериш (зарур ҳолларда). Бу айниқса 147, 148, 161, 187, 223, 223¹, 223³-моддалар бўйича амалга оширилади ва бу билан қарорларни ижро қилишда ва назоратда ҳамкорликни амалга оширади. Хулоса қилиб айтганда маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳамкорлиги — маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим механизм ҳисобланади. Ушбу тизим ваколатлар, электрон маълумот алмашиш ва ижтимоий дастурлар орқали самарали фаолият юритишни таъминлайди. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳамкорлиги аҳоли хавфсизлиги ва фаровонлигини оширишда давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикасида профилактика инспекторлари ва



маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари), механизмлари (ахборот алмашиш, профилактик тадбирлар, ижтимоий назорат, “маҳалла еттилиги” тизими) ва аҳамияти таҳлил қилинади. Ушбу ҳамкорлик ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, маҳаллаларда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, жиноятчиликни камайтириш ва аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишда муҳим рол ўйнайди. Янги ислохотлар, жумладан, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили ва электрон ахборот алмашиш тизими самарадорликни оширади. Давлат сиёсатининг устувор йўналишлари билан боғлиқ бўлиб, профилактика ишларининг тизимли ва комплекс олиб борилиши учун амалий таклифлар беради.

Фойдаланилган манбалар:

- 1.Mirziyoyev, Shavkat. “Mahalla – the fundamental foundation of the state”. UzDaily, 18 fevral 2022.
- 2.“Address by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the Ninth Annual Meeting of the Board of Directors of the Asian Infrastructure Investment Bank”. UZA, (sana keltirilmagan).
- 3.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-209-сонли Farmoni (21.12.2023) “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”.
4. O‘zbekiston Respublikasi “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” қонуни, ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014. Lex.uz.
5. O‘zbekiston Respublikasi Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуни, 22.09.1994, № 407-сон (Маъмурий жавобгарлик тўғрисида). Lex.uz.
6. O‘zbekiston Respublikasi Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни, ЎРҚ-407-сон, 16.09.2016. Lex.uz.